ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил октябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди ўз биносида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭДга қарашли 3-минтақавий ҳудуд 7-сонли тергов ҳибсхонаси билан видеоконференцалоқа тизими орқали, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Шерматов, халқ маслаҳатчилари С.Ашуров ва Б.Исмоиловлардан иборат ҳайъат таркибида, судья ёрдамчиси Ж.Аҳатқуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов, судланувчи Х.Дустов ва унинг ҳимоячиси “Ulfat Zubaydulloyevich” адвокатлик бюроси адвокати У.Мардоновларнинг иштирокида, Дустов Холиқул Баротовичга нисбатан 1-1416-2602/807-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Дустов Холиқул Баротович (Dustov Xoliqul Barotovich), 1958 йил 2 ноябрь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, пенсионер, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 15.05.2007 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 07.11.2011 йилги ажримига кўра, ўталмай қилган 4 йил 6 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 28.02.2013 йилги ажримига кўра, ўталмай қологан 3 йил 6 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-банди “б” кичик бандига асосан ¼ қисмига қисқартирилиб, ҳозирда ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, оилали, 6 нафар фарзанди бор, Ургут тумани, “Чеп” маҳалласида яшаган, иш бўйича 01.07.2026 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланиб, 02.07.2026 йилда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 30 сентябрь куни олган, руҳан соғлом,

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 6-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охирги сўзини эшитиб, қуйидагиларни;-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Дустов Холиқул Баротович - 2026 йил 1 июль куни соат 14:00ларда Ургут тумани ИИБ ТҚХ ЖҚБ тезкор ходимлари томонидан Ургут тумани, “Чеп” маҳалласи ҳудудида ўтказилган “гиёҳвандлик воситаларини назорат остида сотиб олиш” тезкор тадбири давомида шартли харидор сифатида жалб қилинган “Бекзод” исмли шахсга бир дона целофан бўлагига қадоқланган соф оғирлиги 0,08 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини 850.000 сўм эвазига сотганидан сўнг тезкор ходимлар томонидан қўлга олиниб, шахсий тинтув қилиш жарёнида, унинг ёнидан тезкор тадбирга ишлатиш учун берилган 240.000 сўм пуллар топилиб, холислар иштирокида ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Ўз навбатида “Бекзод” исмли шахс тезкор тадбирда ишлатиш учун берилган пуллар эвазига Х.Дустовдан сотиб олган бир дона целофан бўлагига қадоқланган соф оғирлиги 0,08 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини тезкор ходимларга ўз хоҳиши билан тақдим этган.

Самарқанд вилояти ИИБ ЭКМнинг 2026 йил 1 июль кунги 1265-сонли хулосасида, “Бекзод” исмли шартли харидор томонидан Х.Дустовдан назорат остида сотиб олиниб, тақдим қилинган оч-сарғиш рангли, ўткир ҳидли, тошчасимон-кукунсимон кўринишдаги героин гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида фаол гиёҳванд модда - диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу моддалар “героин” гиёҳвандлик моддаси турига киришлиги ва унинг умумий соф оғирлиги 0,08 (нол бутун юздан саккиз) граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

РИРСИАТМ наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиали амбулатор суд-наркологик экспертизасининг 06.07.2026 йилдаги 913-сонли хулосасида, Х.Дустовда “опий (героин)ли гиёҳвандлик” белгилари мавжуд бўлсада, 60 ёшдан ошганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида кўзда тутилган мажбурий даволаш чоралари қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Дустов Холиқул Баротович суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, бир неча йилдан буён “героин” гиёҳвандлик воситасини кунига бир маҳалдан симга қиздириб, тутатиш йўли билан истеъмол қилиб келишлиги, 2026 йил июнь ойини бошида Абилов Зокир исмли танишидан ўзининг истеъмоли учун тахминан 3 грамм “героин” гиёҳвандлик моддаси сотиб олиб, ҳар кун бир маҳалдан симга қиздириб тутатиш йўли билан ўзи истеъмол қилиб келиб, қолган қисмини яшаш уйига яшириб қўйганлиги, яшаш уйида қурилиш ишларини қилдириш учун уста излаб юрганида, қўшни “Мўминобод” маҳалласида яшовчи “Қодир” исмли танишини учратиб қолганлиги, “Қодир” ...дан 500.000 сўм қарздор бўлгани учун шу пулини қайтаришни сўраганида, ...одир” уни уйида ишлашини айтиб, иш ҳақига ҳисоблаб “героин” беришни ...агани учун унга розилик билдирганлиги, 2026 йил 1 июль куни 12:00ларда

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026

“Қодир” уни уйига устачилик анжомлари билан келиб, “героин” топиб беришни сўраганида, унга “героин” топа олмаганлигини айтганлиги, шунда “Қодир” унга 850.000 сўм пул бериб, 500.000 сўмни қарзга, қолган 350.000 сўмга ҳисоблаб бир чек “героин” топиб беришни илтимос қилиб туриб олгани учун унга раҳми келиб, яшаш уйида ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётган “героин” гиёҳвандлик воситасини олиб чиқиб берганида, “Қодир” шу гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келишини айтиб кўчага чиқиб кетгач, ўзи маҳалласидаги савдо дўконига бориб, “Қодир” берган пулларни бир қисмига рўзғорга бозорлик қилиб, қолган қисмини чўнтагига солиб қўйганлиги, шу куни соат 16:00ларда уйига ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништириб, тезкор тадбир давомида шартли харидорга гиёҳвандлик моддаси сотганлигини айтиб, шахсий тинтув қилиб, чўнтагидан “Қодир” берган пуллардан қолган 240.000 сўм пулларни олиб, ўзларидаги баённомага солиштириб қўриб, тезкор тадбирда ишлатиш учун берилган пуллар эканлигини айтишиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олиб, уни ИИБ биносига олиб келишганлиги, у ҳеч қачон “героин” гиёҳвандлик воситасини сотиш билан шуғулланмаганлиги, шу куни Қодир холи жонига қўймасдан, героин топиб беришни сўраб туриб олгани учун унга ўзининг истеъмоли учун сақлаб юрган “героин” ни берган бўлганлиги, оқибатини ўйламасдан шу ишга қўл урганлиги, қилган ишидан пушаймонлигини, ёшини, оилавий шароити оғир бўлиб, оиласини ягона боқувчиси эканлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Х.Дустов айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, унинг жиноят содир этишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айбли эканлиги, суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар ҳамда суд мажлисида сўралган гувоҳнинг кўрсатувлари билан ҳам ўз исботини топади.

Жумладан; гувоҳ Туропов Обит Ашурович суд мажлисида, у Ургут туман ИИБ ТҚХ Т ва ЧХТБ тезкор вакили бўлиб хизмат қилиб келишлиги, 2026 йил 1 июль куни “Бекзод” исмли фуқаро туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, Ургут тумани, “Чеп” маҳалласида яшовчи Дустов Холиқул Баротович қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланаётганлигини маълум қилиб, ушбу шахсни жиноий фаолиятига чек қўйиш юзасидан тезкор тадбир ўтказилса, шартли харидор сифатида иштирок этишини билдирганлиги, шундан сўнг тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилиб, аризачага 850.000 сўм пул берилгач, у Х.Дустов билан учрашиб, гиёҳвандлик воситаси сотиб олиш учун кетганлиги, шу куни соат 15:40 ларда ҳамкасблари билан бирга уни ортидан кузатиб, кўчада кутиб турганларида, “Бекзод” уларни олдига қайтиб келиб, уларга бир дона целофан бўлагига қадоқланган героин гиёҳвандлик воситасини тақдим қилиб, шу нарсани тезкор тадбирга ишлатиш учун берилган 850.000 сўм пуллар эвазига Х.Дустовдан сотиб олиб келганлигини билдирганлиги, шундан сўнг ҳамкасблари билан бирга Х.Дустовни уйига бориб, унга ўзларини таништириб, ҳолат ҳақида баён қилиб, шахсий тинтув қилинганида, унинг ёнидан тезкор тадбирда ишлатиш учун берилган 240.000 сўм пуллар топилганлиги, кейин ундан тадбир иштирокчисига сотган “героин” гиёҳвандлик моддасини кимдан олганлиги сўралганида, Х.Дустов ушбу гиёҳвандлик моддасини июнь ойининг бошларида Абилов Зокир исмли танишидан ўзининг истеъмоли учун сотиб олиб, шу кунга қадар истеъмол қилиб келиб, қолган қисмини тадбир иштирокчисига

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026

сотганлигини маълум қилганлиги, кейин уни туман ИИБга олиб келиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, Х.Дустовдан олинган моддаларни текшириш учун вилоят ИИБ ЭКМга юборишганлиги, ЭКМ маълумотномасида, ушбу модда “героин” гиёҳвандлик моддаси бўлиб, унинг умумий соф оғирлиги 0,08 граммга тенг эканлиги маълум бўлганлиги, шундан сўнг ушланган шахс ва тўпланган ҳужжатлар туман ИИБ ТБ терговчиси ихтиёрига топширилганлиги, уларда Х.Дустовни мунтазам равишда гиёҳвандлик воситаси сотиши ҳақида тезкор маълумотлар бўлганлиги, Х.Дустовга гиёҳвандлик воситаси сотган номаълум шахсни шахсига аниқлик киритиш юзасидан тезкор қидирув ишлари олиб борилаётганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Шунингдек, жиноят ишида мавжуд - суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган – билдирги, назорат остида гиёҳвандлик воситаси сотиб олиши учун тадбир иштирокчисига пул бериш тўғрисидаги баённома ва пулларни ксеронусхаси, ўз ихтиёри билан топширилган далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома, далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадвал ҳамда “DVD” дискдаги видеоёзувлар, нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш, жиноят ишига қўшиш ва сақлаш учун топшириш ҳақидаги қарор, тезкор тадбирда ишлатилган 240.000 сўм пулларни қайтариб олинганлиги ҳақидаги тилхат, жиноят ишини бир қисмини алоҳида жиноят иши тариқасида ажратиш, айбловни тўлдириш ҳақидаги қарорлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин” деб;

- 16-бандида эса, “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади” деган мунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи Х.Дустовнинг содир қилган

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026

жиноятига судда текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд ҳайъати, юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, тергов органи томонидан судланувчи Х.Дустовнинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 6-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Дустовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёши 60 ёшдан ошган бўлиб, пенсионер эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат аниқланмади деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши керак” деб;

-ЖКнинг 8-моддасида, “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” деб;

-ЖКнинг 54-моддаси 2-қисмида, “суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим” деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 25 июль кунидаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деб;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 1-бандида, “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради” деб;

-34-бандида эса “Судлар мазкур тоифадаги ишлар бўйича жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026

тўғрисида”ги 1-сонли қарорда берилган тушунтиришларга амал қилишлари, ..., лозим” деб тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Дустовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқорида қайд этилган қонун нормалари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, содир этилган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёҳвандлик воситасини тури ва миқдорини, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шахсини, ёши 60 ёшдан ошган пенсионер бўлиб, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилаётган ЖКнинг 273-моддаси 6-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилаб, қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича, ўзгаришсиз қамоқда қолдиришни лозим топди.

Суд ҳайъати, иш бўйича ашёвий далил деб топилган ва экспертиза тадқиқотдан сўнг қолган ҳамда ДХХ Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси МТТ бўлинмасида сақланаётган 0,07 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни, шунингдек, жиноят иши доирасида тезкор қидирув ва тергов ҳаракатлари ёзиб олинган 2 (икки) дона “DVD” дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Дустов Холиқул Баротович (Dustov Xoliqul Barotovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 6-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Х.Дустовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 6-қисми “а” банди билан ЖКнниг 57-моддасини қўллаб, 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 1 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Х.Дустовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қолдирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб топилган ва ҳозирда ДХХ Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси МТТ бўлинмасида сақланаётган ҳамда экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган 0,07 грамм “героин” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Жиноят иши ҳужжатларига қўшилган 2 (икки) дона “DVD” дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан шлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят лари бўйича апелляция инстанциясига шикоят беришга, прокурор протест

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026

билдиришга, апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач эса шу суднинг кассация инстанциясига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья: **Б.Шерматов**

Халқ маслаҳатчилари: **С.Ашуров**

Б.Исмоилов

Hujjat imzolangan: Shermatov Bobur Akmalovich, 29.10.2026